



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2021 - yil 13 - dekabr

190-7-0-Q/21

Samarqand viloyat hokimligi

**Пайариқ тумани “Бешқўрғон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан
Пайариқ тумани ички ишлар бўлими таянч пунктнинг профилактика
инспекторига хизмат уй-жойи қурилиши учун ер майдони ажратиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффоқликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6243-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги “Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика (катта) инспекторларини 2021-2023 йилларда хизмат уй-жойлари билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 317-сон ҳамда 2021 йил 27 августдаги “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 543-сонли қарорларига мувофиқ, ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларини коммунал-маиший шароитларга эга бўлган, замонавий талаблар ва стандартларга жавоб берадиган қулай хизмат уй-жойи билан таъминлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят Ички ишлар бошқармасига Пайариқ тумани “Бешқўрғон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида Пайариқ тумани ички ишлар бўлими таянч пунктнинг профилактика инспекторига 1 та хизмат уй-жойи қуриш мақсадида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,02 гектар ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратилсин.

2. Пайарик тумани ҳокимлиги (З.Эргашев) вилоят бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда:

мазкур объектнинг лойиҳаолди шаҳарсозлик ҳужжатларини тегишли ташкилотларнинг техник шартларини ҳамда хулосаларида белгиланган талаблар асосида ўз муддатида ишлаб чиқиб, тасдиқлаш;

экспертиза хулосаларини олиш ва белгиланган тартибда қурилиш ишларини амалга ошириш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2639-сонли қарори билан тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида қурилишини таъминласин.

3. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов) вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Хамидов), “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК Самарқанд филиали (Ғ.Бекбоев) билан биргаликда ажратилган ер майдонлари чегараларини жойида (натурада) белгиласин.

4. Пайарик туман ҳокимлиги (З.Эргашев), тегишли лойиҳа ташкилоти (лойиҳа муаллифи), вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси (Х.Жабборов):

ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторлари учун бевосита улар хизматни ўтайдиган ҳудудда жойлашадиган хизмат уй-жойларини шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ белгиланган муддатларда сифатли қурилишини;

мазкур объектнинг қурилиш-монтаж ишларида қурилиш сифати юзасидан техник, муаллифлик ва давлат назоратини қатъий олиб борилишини;

объектда белгиланган қурилиш-монтаж ишларини тасдиқланган режа-график асосида бажарилишини ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

5. Давлат кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Ф.Худойкулов), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов), Пайарик туман ҳокимлиги (З.Эргашев) билан биргаликда мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин ҳамда туман ер ҳисоботи (баланси)га тегишли

Ўзгартиришлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов